

Африка давлатида 500 кишига мўлжалланган масжид қурилади



12:03 / 13.02.2020 1400

2003 йилдан бери БААда хасталикка чалинган болаларга ёрдам берувчи «Make-A-Wish Foundation» халқаро хайрия жамғармаси ўз фаолиятини олиб боради. Бу ҳақда islam.ru сайти хабар беради.

Ушбу фонд 2003 йилда иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб 4000 хайрия ёрдамини амалга оширган. Навбатдаги хайрияда оғир диабет касаллиги билан оғриган 15 ёшли амирлик қиз Равданинг орзуси амалга ошди. Ёш муслима қизнинг орзуси Африкада масжид қуриш эди.

Қизнинг илтимосига кўра, Уганда Республикасида муслмонлар учун 500 дан ортиқ эркак ва аёлни ўз ичига сиғдира оладиган ибодатхона қурилади. Шунингдек, Равда масжидга БААнинг президенти Шайх Зайд ибн Султон

Ал-Нахайян номи берилишини истаган.

БААдаги «Make-A-Wish Foundation» жамғарма бош директори Хан Ал Зубайди, 4000 йиллик юбилей маросимида бир вақтнинг ўзида инсонпарварлик акция бўлганини фахр билан таъкидлаган. Равданинг отаси ҳам хайрия фондига ўз миннатдорчилигини билдирган.

Islom.uz портали таҳририяти